



ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Кўчқаров Файзулло Абдужабборович,

Тошкент молия институтини мустақил изланувчиси, E-mail: Kochkarov_F@mail.ru

ORCID:0009-0004-6227-5103

WAYS TO IMPROVE THE MECHANISM OF ATTRACTING FOREIGN INVESTMENT IN AGRICULTURE IN UZBEKISTAN

Kuchkarov Fayzullo Abdujabborovich,

Independent researcher of Tashkent Institute of Finance, E-mail: Kochkarov_F@mail.ru

ORCID:0009-0004-6227-5103

JEL Classification: O55, Q10, Q18

Аннотация. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги, айниқса, хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали иқтисодий ўсиш ва ривожланиш учун катта имконият яратади. Бироқ, бундай инвестицияларни жалб қилишнинг ҳозирги механизмлари мақбул эмас. Ушбу мақолада Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги секторининг хорижий инвесторлар учун жозибadorлигини ошириш бўйича турли стратегиялар кўриб чиқилади. Таҳлил ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жиҳатларни қамраб олувчи кўп қиррали ёндашувга асосланади. Мақолада Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасига хорижий инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг зарурлиги ва аҳамияти очиб берилган. 2018-2022 йилларда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, аграр соҳада амалга оширилган инвестиция лойиҳалари сони ва молиялаштириш ҳажмларига оид кўрсаткичлар таҳлил қилинган. Қишлоқ хўжалигига хорижий инвестицияларни жалб этишига салбий таъсир этувчи

омиллар аниқланган ҳамда аграр соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштиришига бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Abstract. The agricultural sector in Uzbekistan presents a significant opportunity for economic growth and development, particularly through the attraction of foreign investment. However, current mechanisms for attracting such investment are suboptimal. This paper examines various strategies to enhance the attractiveness of Uzbekistan's agriculture sector to foreign investors. The analysis is grounded in a multi-dimensional approach that encompasses legal, economic, and socio-political aspects. The article reveals the necessity and importance of attracting foreign investment in the agricultural sector of Uzbekistan, including foreign direct investment. In 2018-2022, indicators related to the production of agricultural, forestry and fish products, the number of investment projects and the amount of financing implemented in the agricultural sector were analyzed. The factors that negatively affect the attraction of foreign investment in

agriculture have been identified, and proposals and recommendations have been developed to improve the attraction of foreign investment in the agricultural sector.

Калим сўзлар: *аграр соҳа, қишлоқ хўжалиги, инвестиция, хорижий инвестициялар, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги, молиялаштириш, инвестиция лойиҳа, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, замонавий технологиялар.*

Keywords: *agricultural sector, agriculture, investments, foreign investments, forestry and fisheries, financing, investment project, foreign direct investment, modern technologies.*

Кириш. Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалигига хорижий инвестицияларни жалб қилиш – мамлакатда аграр соҳа тараққиётини таъминлаш ва унинг интенсив ривожланишга эришишдаги ғоят муҳим масала ҳисобланади. Ўзбекистон ўзига хос иқлим шароити, серхосил тупроқлари ва сув ресурслари туфайли қишлоқ хўжалиги соҳасида улкан салоҳиятга эгадир. Аграр соҳа ўрта ва узоқ муддатли инвестицияларнинг барқарор йўналиши ҳисобланади, чунки у нафақат ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга доимий талабни, балки унинг янада ўсишини ҳам кафолатлайди. Шу нуқтаи назардан аграр соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва замонавий технологиялар асосида янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш эвазига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортга йўналтириш, ресурстежам технологиялардан самарали фойдаланиш, янги иш ўринларини яратиш, иқтисодий ҳажмини ва аҳоли жон бошига даромадларни кескин ошириш, аграр соҳадаги илм ва

инновацияларни, янги ёндашувларни ишлаб чиқиш мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) ва Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш жамғармаси (IFAD) ҳамда Жаҳон озиқ-овқат дастури (WFP) билан ҳамкорликда тайёрланган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, инвестициялар ва ижтимоий харажатларнинг ҳозирги даражаси 2030 йилгача очликни бартараф учун етарли миқдордаги даромадларнинг ўсишига ва меъёрдаги озиқ-овқат маҳсулотларига эга бўлишга олиб келмайди. Бу йўналишда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида очлик камаяди, аммо 2030 йилда ҳам 650 миллиондан зиёд аҳоли ёки дунё аҳолисининг 8 фоизи тўйиб овқатланмайди.

«Халқаро ташкилотларнинг ҳисоботида қайд этилишича, глобал миқёсда 2030 йилга қадар очликни бартараф этиш учун йилига 265 миллиард АҚШ доллари миқдоридан кўшимча инвестициялар талаб қилинади. Ушбу инвестицияларнинг 67 миллиард АҚШ доллари ижтимоий ҳимоя дастурлари учун талаб қилинади ва бу аҳолининг заиф қатламлари учун озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш ҳолати ва даражасини яхшилайдди, шунингдек 198 миллиард АҚШ доллари миқдордаги инвестициялар камбағалларнинг манфаати учун самарали фаолиятга сармоя киритишга йўналтирилади ва бу камбағалларга, кам таъминланганларга ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига пул ишлаб топиш, ундан тежаб-тергаб фойдаланиш, инвестициялаш ва ўзларининг турмуш тарзини яхшилаш имкониятини яратади»

[1]. Шу сабабли иқтисодийнинг қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ниҳоятда долзарб масала сифатида кун тартибига қўйилиши керак ва бу бизга мамлакатнинг саноат хавфсизлигини таъминлаш муаммосини ҳал қилишга имкон беради.

Материал ва метод. Аграр соҳага, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоғига хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш муаммоларининг турли йўналиш (жабҳа, аспект)лари иқтисодчи-олимлардан К.Нольте, М.Остермайер, К.Шульце [2], А.Козлов [3], Т.Расулов [4], Р.Мустафайева [5], В.Маслакова, В.Демичев [6], Н.Агафонова [7], А.Алтухова [8], В.Бутырин [9], И.Исаков [10], В.Добросоцкий [11] кабиларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган. Жумладан, ҳудудлар қишлоқ хўжалигида инвестициявий фаолликни такрор ишлаб чиқариш хусусиятлари, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш муаммолари, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар самарадорлигининг статистик таҳлили, қишлоқ хўжалигида инвестициявий жозибадорликни баҳолаш, агросаноат ишлаб чиқаришининг муаммолари ва ривожланиш истиқболлари, қишлоқ хўжалигида инвестиция жараёнларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш самарадорлиги, турли даражаларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш контекстида Евроосиё иқтисодий иттифоқи томонидан қишлоқ хўжалиги бозорини тартибга солишнинг муаммоли жиҳатлари кўриб чиқилган.

Амма, аграр соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш масаласи алоҳида тадқиқот объекти сифатида етарлича ўрганилмаган.

Таҳлил. Дарҳақиқат, инвестициялар, шу жумладан, чет эл инвестициялари аграр соҳа тараққиётини таъминлашда ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Биринчидан, жаҳон миқёсида истеъмолчилар сонининг ўсиши давом этмоқда. «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан эълон қилинган сўнгги ҳисоботга кўра, 15 ноябрь куни дунё аҳолиси 8 млрд кишига етди» [12]. «БМТ прогнозларига кўра, 2037 йилга келиб, дунё аҳолиси сони 9 миллиардга, 2058 йилга келиб эса 10 миллиардга етади» [13]. Бу шуни англатадики, Ер аҳолиси тобора кўпроқ озиқ-овқатга муҳтож бўлади ва шу боисдан қишлоқ хўжалиги саноати ўз маҳсулотларини ишлаб чиқаришни доимий равишда ошириши керак.

Иккинчидан, бўш ерларнинг қисқариши туфайли технологияга бўлган эҳтиёж ва унинг ошиб бориши. Маълумки, дунёда унумдор ерларнинг миқдори жисмонан чекланган. «GFSAD30 лойиҳаси доирасида АҚШ Геологик хизмати (USGS) раҳбарлигида олиб борилган сўнгги тадқиқотлар натижаларига кўра, дунёда 1,87 миллиард гектар унумдор қишлоқ хўжалиги ерлари мавжуд» [14]. Ер танқислиги саноатдаги инновацион технологик ечимлар ҳисобига қопланади, масалан, вертикал деҳқончилик технологияси ва бошқалар, тупроқ унумдорлигини ошириш ҳамда ҳосилдорликни оширишнинг янги усулларини излаш ва бошқ. Буларнинг барчаси қишлоқ хўжалигига инвестициялар киритилишига тўртки беради.

Учинчидан, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва субсидиялаш чора-тадбирлари.

Аксарият мамлакатларда қишлоқ хўжалиги давлат томонидан фаол қўллаб-қувватланади, шу жумладан, озиқ-овқат хавфсизлиги сиёсати доирасида ҳам, чунки бу соҳа, йўналиш аҳоли учун ҳаётий муҳим масаладир.

Бошқача ифодалаганда, қишлоқ хўжалиги инсоннинг озиқ-овқатга бўлган асосий эҳтиёжларини қондиришга таянади, шунинг учун уни бирор нарса билан алмаштириш мушкул (қийин).

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши – соҳада ўз истеъмоли ва сотиш учун яратилган маҳсулот ва хизматларнинг умумий қийматини ифода

этади. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши, овчилик хўжалигида, ўрмончилик ва ёғоч тайёрлаш, балиқ овлаш ва аквакультура соҳасида етиштирилган маҳсулот (хизмат)лар қиймати асосида шакллантирилади.

2022 йилда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 364,5 трлн. сўмни (32 млрд. АҚШ доллари), шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 352,1 трлн. сўмни ташкил қилган ва бу кўрсаткичлар 2018 йилга нисбатан қарийб икки баробарга ошган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми (трлн. сўмда) [15]

№	Кўрсаткичлар	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
1.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми	195,1	224,3	261,9	317,0	364,5
	Шу жумладан:					
1.1.	Деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар	189,0	217,3	253,2	306,9	352,1
1.1.1.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	187,4	216,3	250,3	303,4	347,6
1.1.2.	Ўрмон хўжалиги	5,1	5,5	6,8	7,5	9,2
1.1.3.	Балиқчилик хўжалиги	1,0	1,5	1,9	2,6	3,2

Бундай ўсиш суръатлари, асосан, чорвачилик соҳасининг ички имкониятларини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиб борилаётганлиги ва уларга давлат

томонидан тизимли ёрдам кўрсатилиб келинаётганлиги натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг кўпайиши билан боғлиқдир. Жумладан, тирик вазнда

етиштирилган гўшт ҳажми 2021 йилга нисбатан 3,4 фоизга, соғиб олинган сут 3,2 фоизга, олинган тухум 4,4 фоизга, қирқиб олинган жун 2,5 фоизга, олинган қорақўл тери 4,0 фоизга, овланган балиқлар 3,2 фоизга, донли экинлар 4,7 фоизга, сабзавотлар 2,9 фоизга, картошка 4,7 фоизга, полиз экинлари 5,9 фоизга, мева ва резаворлар 4,6 фоизга ва узум 3,9 фоизга ўсган. Хўжалик тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 62,2 фоизи деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 31,4 фоизи фермер хўжаликларига, 6,4 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади.

Бундай ҳолат аграр соҳада фаолият юритаётган корхоналар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) сонининг кўпайиб бораётганлиги билан ҳам изоҳланади. Чунончи, 2022 йилда ушбу соҳада фаолият юритаётган корхоналар сони 3045 тани ташкил қилган ва бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 964 тага, 2020 йилга нисбатан 720 тага кўпдир. 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) сони – 53808 тани, шундан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматларда – 49859 тани, ўрмон хўжалигида – 268 тани ҳамда балиқчилик хўжалигида – 3681 тани ташкил этди. Ушбу кўрсаткич ҳудулар кесимида таҳлил қилинганда, энг кўп корхона ва ташкилотлар Қашқадарё вилоятида – 7742 тани ёки республика бўйича мазкур соҳада фаолият кўрсатаётган жами корхона ва ташкилотларнинг 14,4 фозини ташкил

этган бўлса, аксинча энг кам корхона ва ташкилотлар Тошкент шаҳрида – 1074 та (2,0 %) қайд этилган.


2022 йилда мева-сабзавот маҳсулотлари экспортининг умумий ҳажми 1134,3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 1730,6 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинган. Бу кўрсаткич 2021 йилга нисбатан тегишлича 18,5 ва 13,7 фоизга кўпдир. Мева-сабзавотлар экспортида қиймат жиҳатидан энг катта улушни узум (майиз кўшган ҳолда) 24,7 фоиз, мош 8,2 фоиз, шафтоли 6,0 фоиз, помидор 5,1 фоиз, хурмо 4,6 фоиз, пиёз 3,7 фоиз, карам 3,5 фоиз, қовун ва тарвуз 3,3 фоиз эгаллайди. 2022 йилда экспортнинг умумий ҳажмида мева-сабзавотлар улуши 5,9 фоизни ташкил этган. «Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий импорт қилувчилари Россия (42,5 фоиз), Қозоғистон (18,9 фоиз), Хитой (9,1 фоиз), Покистон (8,8 фоиз), Қирғизистон (3,7 фоиз), Афғонистон (2,7 фоиз) Туркия (2,2 фоиз), Беларус (1,7 фоиз), Озарбайжон (1,2 фоиз), Эрондир (1,2 фоиз)» [16].

«2022 йилда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажми 364522,8 млрд. сўмни ташкил қилган» [17]. Унинг 95,3 фоизи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан иборат бўлиб, 2021 йилга нисбатан 104 фоизли ўсиш суръатлари қайд этилган, шунингдек деҳқончилик, чорвачилик, овчилик соҳалари ўсиш суръати 2021 йилган нисбатан 108 фоизни ташкил қилган. Бу қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолатдир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳукумати томонидан аграр секторни ривожлантириш ва соҳада инвестиция

муҳитини яхшилаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Европа, Хитой, Россия ва бошқа мамлакатлардан инвесторлар Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш ва агросаноат, савдо ва логистика соҳаларида янги лойиҳаларни амалга оширишга тобора кўпроқ жалб қилинмоқда. Бунинг тасдиғи сифатида 2019-2022 йилларда мамлакатда 266, 5 млн. АҚШ доллари ҳажмида 143 та лойиҳа амалга оширилди.

Биргина ёғ-мой саноатида 184,7 млн. АҚШ доллари миқдорига (69,3%) инвестициялар ўзлаштирилди. Бундан ташқари, Ўзбекистонда озуқа саноатини ривожлантириш (қиймати 27,1 млн АҚШ доллари бўлган 27 та лойиҳа), шунингдек, замонавий омборхоналар қуриш ва мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш учун маблағлар фаол равишда инвестиция қилинмоқда (1-расм).



2-расм. 2019-2022 йилларда Ўзбекистон аграр соҳасида амалга оширилган инвестиция лойиҳалари сони ва молиялаштириш ҳажми [18]


Бугунги кунда Ўзбекистон агросаноат секторини инвестициялашнинг бир мунча истиқболли йўналишларидан бири соя оқсилли, мойли ўсимликлар, озиқ-овқат эмульгаторлари (эмульсия ҳосил қиладиган моддалар, эмульсияларнинг стабилизаторлари), маргарин, шунингдек ўсимлик мойларидан қаттиқ ёғлар, сут ёғи ўрнини босувчи моддалар ишлаб чиқарадиган замонавий заводларни ташкил этишдир.

Қайд этиш зарурки, аксарият ҳолларда қишлоқ хўжалиги қишлоқ хўжалиги ўсимликларини етиштириш ва чорвачиликни кўпайтириш сифатида бир

томонлама тушунилади. Бироқ, қишлоқ хўжалиги чорвачилик, боғдорчилик, ўрмон хўжалиги, уруғчилик, аквакултура ва бошқаларни ўз ичига олган жуда кенг фаолият соҳасини қамраб олади. Қишлоқ хўжалигининг мақсади аҳолига маҳсулот етказиб бериш, ишлаб чиқарувчиларнинг эҳтиёжларини қоплаш, яъни уларни хом ашё билан таъминлашдир. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб қилиш ушбу соҳаларни бевосита ва билвосита қамраб оладиган кўплаб йўналишларга эга. Хусусан, қишлоқ хўжалигига инвестиция киритишнинг кўплаб тўғридан-тўғри ва билвосита усуллари мавжуд.

2019-2022 йилларда Ўзбекистоннинг аграр соҳасида амалга оширилган жами инвестиция лойиҳаларининг (266,5 млн. АҚШ доллари) 41,4 фоизи корхона(инвестор)ларнинг

маблағлари, 40,2 фоизи банк кредитлари ҳисобидан амалга оширилган бўлса, 18,3 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳиссасига тўғри келган (2-расм).



2-расм. 2019-2022 йилларда Ўзбекистон аграр соҳасида амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбалари [19]

Бундан кўринадики, Ўзбекистоннинг аграр соҳасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳолати талаб даражасида эмас. Тўғридан-тўғри инвестициялаш моддий ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестицияларни назарда тутаяди, бунда инвестициялар ҳукумат кафолатларисиз, риск шароитларида ўз маблағлари ёки қарз маблағлари ҳисобидан киритилади ҳамда компанияни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини ҳам беради. Тўғридан-тўғри инвестициялашда катта миқдордаги сармоялар талаб қилинади.

Қишлоқ хўжалигига тўғридан-тўғри инвестицияларга қуйидагилар киради:

- ер сотиб олиш ва фермерликни ташкил этиш. Бу мустақил тарзда

агробизнесни йўлга қўйиш ҳамда инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича барча рискларни ўз зиммасига олган ҳолда катта харажат талаб этувчи бир мунча мураккаб тадбирларни назарда тутаяди;

- ижара учун кўчмас мулк сотиб олиш. Бу пассив ва ишончли инвестиция варианты ҳисобланади, лекин айни пайтда юқори даражадаги инвестицияларни талаб қилади. Ижара учун ишлаб чиқариш ёки омборхоналарни сотиб олиш мумкин;

- қишлоқ хўжалиги корхоналарига кредитлар бериш

- ижарага бериш учун қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олиш;

- қишлоқ хўжалиги компанияларининг акцияларини сотиб

олиш. Аксарият қишлоқ хўжалиги компаниялари акцияларни биржаларда сотадилар, уларни эркин сотиб олиш ва сотиш мумкин. Инвесторлар бундай акциялар портфелини яратиб, бу акциялар қиймати акциялар нархининг ошиши билан ўсиб боради.

Қишлоқ хўжалигига билвосита инвестицияларга эса облигациялар (лот. obligatio – мажбурият) тегишлидир. Облигация қийматига нисбатан эгасига қатъий белгиланган даромад келтирувчи қимматли қоғоз, қарзни қайтариб бериш ва фоиз тўлашни тасдиқловчи мажбуриятномани ифода этади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига хорижий инвестицияларни жалб этиш устувор вазифалардан бирига айланди. Бироқ, бу жараёнга салбий таъсир кўрсатувчи бир неча омиллар мавжуд:

1. Ахборот (маълумот)нинг етарли эмаслиги: чет эл инвесторлари Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасидаги аграинвестициявий имкониятлар, инвестициялаш масалалари тўғрисидаги ишончли маълумотларга эга бўлиш имкони мураккаб бўлиши мумкин. Шаффофлик ва маълумотларнинг етарли ёки мавжуд эмаслиги салоҳиятли инвесторлар томонидан сармоя киритиш нуқтаи назаридан салбий омил ҳисобланади.

2. Аграр соҳада инвестициявий фаолият бўйича ҳуқуқий ва тартибга солувчи муҳитнинг мавҳумлиги ёки ноаниқлиги: хорижий инвесторлар ва инвестицияларга оид мавжуд қонунлар ва тартиблар ноаниқ бўлиши ва вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин. Бундай ҳолат инвесторлар учун ноаниқлик туғдиради ва қишлоқ хўжалиги соҳасига сармоя

киритиш, инвестициялаш бўйича қарорларга жиддий таъсир қилиши мумкин.

3. Ерга эгалик ҳуқуқининг чекланиши: Ўзбекистонда ерга эгалик ҳуқуқини чеклаш хорижий инвесторлар учун муаммо туғдириши мумкин. Масалан, чет эллик инвесторларга ерга эгалик қилиш тақиқланади ва улар фақат чекланган муддатга ижарага берилиши мумкин. Бу аграр секторнинг инвесторлар учун жозибadorлигини пасайтириши мумкин.

4. Инфратузилма билан боғлиқ муаммолар: йўл тармоқлари, суғориш тизимлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш ва сақлаш тадбирларининг ривожланмаганлиги инвесторларнинг сармоя киритишларига тўсқинлик қилиши мумкин.

5. Малакали ишчи кучининг етишмаслиги: қишлоқ хўжалиги соҳасида зарур малака ва кўникмаларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш мураккаб ва кўп вақтни талаб этувчи тадбирлардан бири бўлиб, бундай мутахассисларнинг етарли эмаслиги ушбу соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш жараёнларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун, фикримизча, Ўзбекистон ҳуқуматининг саъй-ҳаракатлари билан қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши зарур: аграр соҳанинг инвестициявий имкониятлари хусусидаги маълумотларнинг шаффофлигини таъминлаш, ҳуқуқий-меъёрий муҳитни соддалаштириш ва барқарор қонунчилик асосларини яратиш; инфратузилмани ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш, қишлоқ хўжалиги учун малакали кадрлар

тайёрлаш ва таълим дастурларини такомиллаштириш. Шунингдек, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасидаги инвестициявий имкониятларни халқаро бозорда фаол тарғиб қилиш, халқаро агро-инвестициявий форумлар ва анжуманлар ўтказиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса. Ўзбекистон иқтисодиётининг аграр соҳасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишнинг муҳим устувор йўналиши ҳисобланиши боис, ушбу механизмни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Қулай аграинвестициявий муҳит яратиш: Ўзбекистон чет эллик инвесторларга аграр соҳага инвестиция киритиш учун жозибадор шарт-шароитларни таъминлаши керак. Бу, биринчи навбатда, хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарни рўйхатга олишнинг соддалаштирилган тартиблари ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш кафолатларини ўз ичига олади. Аграр секторда инвестициявий муҳитни янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини оширишда тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш жараёнини янада соддалаштириш, маъмурий тўсиқларни камайтириш, коррупцияга қарши аёвсиз кураш ва инвесторлар ҳуқуқларини, мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни такомиллаштиришга қаратилган ислохотларни изчил давом эттириш зарур.

2. Инвестициявий имкониятларни рағбатлантириш: Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасидаги инвестиция имкониятларини халқаро миқёсда фаол

тарғиб қилиши керак. Бу халқаро инвестицион форумлар ва конференциялар, халқаро кўргазмалар ташкил этиш, хорижда ишбилармонлик миссияларини ўтказиш ва мамлакатнинг аграр салоҳияти тўғрисида ахборот материалларини тақдим этиш кабиларни камраб олади. Ахборот шаффофлигини ошириш учун хорижий инвесторларга Ўзбекистоннинг аграр секторга сармоя киритиш имкониятлари ва шарт-шароитлари ҳақида батафсил ва ишончли маълумотларни тақдим этиш зарур. Буни қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича инвесторлар учун ахборот-маслаҳат марказлари ташкил этиш орқали амалга ошириш мумкин.

3. Махсус иқтисодий аграр зоналар ташкил этиш ишларини фаоллаштириш керак. Жумладан, Ўзбекистон аграр соҳада хорижий инвесторлар учун алоҳида имтиёзлар (солиқлардан, божхона божидан озод қилиш, экспорт-импорт операциялар тартиби ва жараёнларининг соддалаштирилиши, инфратузилма таъминоти, қишлоқ хўжалиги лойиҳаларини амалга ошириш учун ер учаткаларини ажратиш ва бошқ.) берилган махсус иқтисодий зоналар сонини кўпайтириш зарур. Бу аграр соҳага хорижий инвестиция оқимининг кўпайишини рағбатлантиради.

4. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни ривожлантириш: Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида хорижий ва маҳаллий компаниялар ўртасида қўшма корхоналар ташкил этишни рағбатлантириши зарур. Бу хорижий тажриба ва технологияларни маҳаллий ресурслар ва билимлар билан бирлаштириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳисса қўшиш

имконини беради. Шу мақсадда илғор хорижий тажрибалардан келиб чиқиб, аграр соҳада чет эл инвестициялари эвазига ташкил этиладиган корхоналар устав фондидаги чет эл инвестициялари улушининг энг кам миқдорини 15 фоиздан 12 фоизгача камайтириш мақсадга мувофиқдир.

5. Ишлаб чиқариш, бозор ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш: энг аввало, йўллар, энергия таъминоти, сув хўжалиги тизимлари каби қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш хорижий инвестицияларни фаол жалб қилишга ёрдам беради. Бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мавжудлиги ва самарадорлигини оширади ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш ва сақлаш харажатларини камайтиради.

6. Аграр соҳада истиқболли тармоқларни ривожлантириш: Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг органик деҳқончилик, юқори технологияли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби истиқболли тармоқлари фаол ривожлантирилиши керак. Бу хорижий инвесторлар учун янги имкониятлар яратади ва қишлоқ хўжалиги соҳасининг рақобатбардошлигини оширади.

7. Ўзбекистон иқтисодиётининг қишлоқ хўжалигига хорижий инвестицияларни жалб этиш тизимли ва мақсадли ёндашувни талаб этади. Шунингдек, инвестиция жараёнида ошкоралик ва очикликни таъминлаш, инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Барқарор ва истиқболли инвестиция сиёсати хорижий инвесторларни кўпроқ жалб этишга ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшишга ёрдам беради. Ушбу чора-тадбирлар билан бир қаторда, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича халқаро ташкилотлар ва бошқа давлатлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш керак. Халқаро молия институтларидан жалб қилинган инвестициялар ҳисобидан фермер ва деҳқон хўжалиқларига қишлоқ хўжалиги техникалари лизинг маржаси йиллик 3 фоиздан ошмаган ставкада 10 йилгача бўлган муддатга лизингга бериш мақсадга мувофиқдир. Бу Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг технологик даражасини ошириш, ҳосилдорлик ва рақобатбардошлигини ошириш, пировардида, аграр соҳанинг интенсив тараққиётини таъминлаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. (PDF) Современные тенденции инвестиций в сельское хозяйство Current Trends in Investment in Agriculture (researchgate.net).

2. Kerstin Nolte, Martin Ostermeier and Kim Schultze. Food or Fuel – The Role of Agrofuels in the Rush for Land. GIGA Focus International Edition English. German Institute for Global and Area Studies. Number 5 | 2014 | ISSN: 2196-3940. (gf_international_1405_0.pdf (giga-hamburg.de)).



3. Козлов А.А. Особенности воспроизводства инвестиционной деятельности в сельском хозяйстве региона. Автореферат на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Воронеж: «Воронежский государственный аграрный университет имени императора Петра I». 2022. – 25 с.

4. Расулов Т.М. Проблемы привлечения и использования иностранной инвестиции в развитии сельского хозяйства (на материалах Согдийской области). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Душанбе: ТДУ. – 2004. – 24 с.

5. Mustafayeva R. Современные тенденции инвестиций в сельское хозяйство. Азербайджанский государственный аграрный университет, Гянджа, Азербайджан. Экономика, предпринимательство и право. Том 11, Номер 6, июнь 2021. ISSN 2222-534X. Journal of Economics, EntrEprEnEurship and law #6'2021 (June).

6. Маслакова В.В., Демичев В.В. Статистический анализ эффективности инвестирования в развитие сельского хозяйства России: монография – М.: Издательство «Научный консультант». – 2021. – 194 с.

7. Агафонова Н.П. Оценка инвестиционной привлекательности сельских территорий Краснодарского края / Н.П.Агафонова, Ю.И.Матвеева, Д.А.Чендилова // Труды Кубанского государственного университета. – 2020. – № 83. – С. 5-12.

8. Алтухов А.И. Проблемы и перспективы развития агропромышленного производства. Монография. М-во сельского хоз-ва РФ, ФГБОУ ВО «Пензенская гос. с.-х. акад.», Межотраслевой научно-информ. центр Пензенской гос. с.-х. акад. – Пенза: МНИЦ ПГСХА, 2016. – 151 с.

9. Бутырин В.В. и др. Эффективность государственной поддержки и регулирования инвестиционных процессов в сельском хозяйстве. – Москва: Министерство сельского хозяйства РФ, ФГБОУ ВПО «Саратовский ГАУ», 2012 – 207 с.

10. Исаков И.Я. Трансформация инструментов государственного регулирования инвестиционной деятельности в аграрном секторе экономики. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Краснодар: «Кубанский государственный аграрный университет», 2013. – 25 с.

11. Добросоцкий В.И. Обеспечение продовольственной безопасности в странах Евразийского Экономического Союза: мировой и региональные аспекты: монография/ – Москва: Одинцовский филиал МГИМО, 2019. – 128 с.

12. Дунё аҳолиси 8 миллиардга етди: Ерда одамлар сони идеал микдорда бўлиши керакми? (kun.uz).

13. Численность населения Земли достигла 8 млрд (tass.ru).

14. «Рекомендации для национальной стратегии по прямым иностранным инвестициям с дорожной картой для Узбекистана: новые источники роста». Всемирный банк, Округ Колумбия, 2022 г. - The World Bank Group, 1818 H Street NW, Washington, DC 20433, USA; fax: 202-522-2422; e-mail: pubrights@worldbank.org.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган (www.stat.uz).



16. Инфографика | Институт макроэкономических и региональных исследований (imrs.uz).

17. qishloqhojpressreliz2606ru.pdf.

18. <https://www.apk-inform.com/ru/news/1507940>.

19. <https://www.apk-inform.com/ru/news/1507940>.